



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (12.370)

Баҳоси эркин нарҳда

Мамлакатимизда спортни, айниқса болалар спортини ривожлантиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Натижада, соғлом, мард, жасур ва ватанпарвар ёшлар камол топиб, улар орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда. Зеро, соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз буюк келажакнинг бунёдкорларидир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёш чемпионлар

ОЙДИН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Бу ҳақда Юртбошимиз яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида «... спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар, чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», дея таъкидлаб ўтган эди.

Юртимизда болалар спортини тараққий эттиришга қаратилаётган муҳим эътибор, жойларда яратилаётган шарт-шароитлар боис кейинги йилларда йирик халқаро мусобақаларда тез-тез ёшларимиз галабалари шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз мағрур ҳилпирамоқда.

Ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муҳаммад Шариф Вақсов ҳам ана шундай жуда ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, ўз маҳоратини муттасил ошириб келаётган умидли ёшлар сирасига киради. 9 ёшдан бошлаб дастлаб кикбоксинг билан шуғулланиб, Тошкент шаҳар очик биринчилигида уч карра ғолиб чиқиб, бир марта иккинчи ўринни эгаллади. Сўнг боксга қизиқиб, киска муддат ичида Тошкент шаҳар чемпионатида ҳам 42, ҳам 45 килограммликлар ўртасида пойтахт чемпионлигини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ўн икки ёшидан бошлаб, шаҳримиздаги «Шамс» клубида мураббий Жамшид Саидхўжаев қўли остида таэквондонинг ИТФ тури бўйича шуғулланиб келмоқда. Ушбу спорт тури бўйича ҳам Муҳаммад Шариф эришаётган

натижалар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Ёш спортчи 2011 йилда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўрин билан кифояланган бўлса, келгуси йили Ўзбекистон Кубоги ва Сочидан ўтказилган халқаро турнирда ғолиблар сафини бошқарди.

Жорий йил ҳам Муҳаммад Шариф учун омадли бошланди. Январ ойида II дан қора белбоғ соҳиби бўлди.

— Келажакка мўлжалланган режаларим бисёр, — дейди Муҳаммад Шариф биз билан суҳбатда. — Жумладан, жорий йилда Ўзбекистон Кубоги чемпионатида галаба қозониш, халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман. Асосий орзум эса маҳоратимни муттасил ошириб бориб, жаҳон чемпионати, сўнг эса Олимпиада мусобақаларида юқори натижаларга эришишдир.

Биз ҳам ёш иқтидорли чемпионга орзуларинг қанот ёзаверсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

БАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, шу кунларда белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитлар ўз уйларида қайтмоқда. Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган Ақром Бўрихўжаев ҳам шулар жумласидандир.

Хизматдан қайтган Ақромни яқинлари Батан олдидаги бурчини муносиб адо этгани билан табриклашди. Улар Ақромга ҳарбий қисм томонидан берилган фахрий ёрлиқни катта қониқиш билан ўқишди.

Турмуш ўртоғим билан бизга йўлланган кўмондонлик хатини фахрланиб ўқиб чиқдик, унда ўғлимизни муносиб йигит этиб тарбиялаганимиз учун бизга катта миннатдорлик билдирилган, — дейди Ақром Бўрихўжаев. — Аскарларга яратилган муносиб шароитлар учун Президентимиздан миннатдормиз. Ўғлим армиядан янада жасур, мустақил фикрлайдиган, мутлақ соғлом ва жисмонан бақувват йигит бўлиб қайтди. Мен доимо ўғлимга армия хизмати ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи эканини, унга пухта тайёрланиш лозимлигини, спорт билан шуғулланиш, яхши ўқиш ва ёмон иллатлардан йироқ бўлишни уқтирдим.

«Обод» маҳалласи фуқаролар йиғини вакиллари ҳам Ақромни табриклаш учун келишди.

— Ақромни ёшлигидан биламан, — дейди ЎЗА мухбирига «Обод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Умар Аҳмедов. — Биз бу оила билан кўп йиллардан буён борди-келди қиламиз. Ақром болалигида ҳам қарияларга ҳўжалик ишларида кўмаклашар, уларга дори-дармон олиб келарди. Шу ой давомида маҳалламиздан 7 нафар йигит армия хизматидан қайтди. Ақром Бўрихўжаев оиласи аъзолари маҳалламизда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этади, улар ҳар қандай пайтда кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр туради.

Яқинлари ва дўстлари даврасида Ақром армиядаги хизмати ҳақида сўзлаб берди, суратларини кўрсатди, уларни келажакдаги режалари билан таништирди.

— Армия хизмати мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди, — дейди Ақром. — Отамнинг маслаҳатлари билан армия хизмати-га қақирилгунга қадар бир неча спорт секцияларига катнадим, ҳар куни югуриш билан шуғулландим. Буларнинг барчаси менга ҳарбий хизмат чоғида катта ёрдам берди. Бугун мен ҳарбий қисм томонидан берилган фахрий ёрликдан ташқари, тавсияномага ҳам эгаман. Бу тавсиянома менга олий ўқув юртига киришда тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи ҳажмида қўшимча балл олиш имконини беради. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетига ўқишга кириб, ҳарбий касб сир-асрорларини янада пухта ўзлаштирмоқчиман.

Роман БОНДАРЧУК

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Халқаро обиҳаёт кўнига бағишланган конференция ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ҳамроев ва бошқалар мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув исрофининг олдини олиш мақсадида инновацион технологиялар кенг жорий этилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш ва янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига қаратилаётган мувофиқ, томчиларлиб сугўриш технологиясини жорий қилган ҳўжаликларга катта имтиёзлар берилгани бу борадаги ишлар кўлами ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда дастуруламал бўлаётди. Сув ресурслари маъмурий бошқарув принциpidан ҳавзавий бошқарувга ўтилиши сувдан самарали фой-

даланиш ва уни адолатли тақсимлаш имконини бермоқда.

Бу борада хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш, илғор технологияларни ўрганиш мақсадида Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси, Бутунжаҳон сув кенгаши, Йирик тўғонлар бўйича халқаро комиссия каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Бундай изчил ишлар самарасида сугўриш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти ошиб, сув ҳўжалиги объектларининг барқарор ишлаши таъминланмоқда. Мисол учун, ўтган асрнинг 90-йилларида бир гектар экин майдонига ўртача 18 минг куб метр сув сарflanган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10,5 минг кубметрдан ошмайди.

Конференцияда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, томчилатиб сугўриш тизимини янада кенг жорий этиш борасида фикрлашилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетидан «Ёшлар

ва ҳуқуқий тарбия» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат гун-

чалари» Республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** 328-умумтаълим

мактабида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, гиёҳвандлик каби ёмон иллатларнинг олдини олиш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилади.

2013 йил 25 МАРТ, ДУШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида «Оилавий корхона — мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда депутатлар, банк, адлия соҳалари вакиллари, оилавий тадбиркорлар иштирок этди.

• Бухоро вилояти Фиждудон тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими янги бинога эга бўлди. Бу ерда ФХДБ бўлими ходимларининг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган. Бинода архив ва тантанали маросимлар зали ҳам мавжуд. Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш муассасаси — нотариал идоранинг ҳам шу ерда жойлашгани фуқароларга қулайлик яратади.

• Қораўзак тумани марказидаги отчопарда от спорт бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда От спорт федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган чемпионатда 500 дан ортқ чавандозлар турли масофаларга от чоптириш, йўрга мусобақаси, улоқ-кўпкари ўйинлари бўйича куч синашди.

• Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларга асосан Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида 3 миллион туп манзарали ва 500 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 2 миллион туп гул ҳамда буталар экиш ишлари қизгин давом этмоқда. Қўқон ва Фарғонада янги ўрмон майдонлари барпо этилмоқда. Таълим муассасаларида «Эҳкан ниҳолим билан улғаяман» шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда.

ЖАҲОНДА

• АКШнинг «Боинг» авиакомпанияси Эверет шаҳридаги самолётларнинг модификацияси бўйича заводида ходимларни оммавий қисқартиришни режалаштирмоқда. Дастлаб 800 нафар механиклар ишдан бўшатилади. Ҳаммаси бўлиб жорий йилнинг охирига қадар «Боинг» 2,3 минг ходимларни қисқартиради.

• Украинада қутилмада қалин қор ёғиши ва ҳавонинг совиб кетиши катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, мамлакатнинг 10 та вилоятидаги 600 дан ортқ аҳоли яшаш пунктлари электр қувватидан узилиб қолган. Айниқса, мамлакат пойтахти Киев шаҳрида ва Жанубий Украинада аҳвол мураккаб.

• «Франс футбол» нашрининг таснифига кўра Франциянинг ПСЖ клуби ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм йиллик даромади бўйича энг бой футболчилар рўйхатини бошқармоқда. Яъни, унинг бир йиллик даромади 36 миллион евродан иборат. Испаниянинг «Барселона» клуби юлдузи Лионель Месси 35 миллионлик даромад билан иккинчи, Испаниянинг «Реал» клубидан Криштиану Роналду эса 30 миллион евролик маблағ билан учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда ОРАСТАЛИК БОР ЖОЙДА — ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

Баҳорнинг хуш насимлари эсаётган айни кунларда маҳаллаларда баҳорий йомушларни бажариш қизғин паллага кирган. Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалласи аҳли ҳам «Ободлик кўнгилдан бошланади» нақлига амал қилган ҳолда кўчаю хонадонларни тартибга келтириш, ариқ-зовурларни тозалаш, қуриган дарахтларни олиб ташлаш, шакл бериш, хиёбонларни тозалаш ишларини ўзаро ҳамжиҳатликда олиб бормоқдалар. Ҳашар йўли билан якка-ёлғиз, қаровчисини йўқотган онлаларнинг уйлари таъмирлаб беришга бел болаганлар.



— Маҳалламизда ўн бир мингдан зиёд турли миллат вакиллари аҳли-иноқликда яшаб келмоқдалар, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳима опа Абдуғаниева. — Барча тadbирларимиз маҳалладошлар билан келишилган, ёрдамга муҳтож оилаларга алоҳида эътибор кўрсатилган ҳолда ўтказилади. Унга кексалар, ўрта ёшлилар ва энди ҳаётга кириб келаётган ўсмир-ёшлар жалб этилади. Уч авлодни бирлаштирган, ушбу тadbирлардан ёшлар ўзларига керакли тавсия, насиҳат, билим ва кўникмаларни оладилар. Шу кунгача маҳалламизда мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатларидан 5000 тупга яқинини ўтказиб бўлди. Маҳалламиз оқсоқоли Ўлмас ака Шукров, хотин-қизлар комиссияси раиси Муҳаббат

Мўминова ва фаоллар билан режа асосида иш олиб борилиб, ҳар бир байрамни кўтаринки кайфият билан, бутун атрофни ободонлаштириб, ораста, покиза ҳолга келтириб кутиб олишни анъанага айлантирганмиз. Бу йил ҳам Наврўз байрамида 60 га яқин кўп қаватли уйлар олдидидаги 20 та болалар майдончасини янгилаб, таъмирдан чиқариб, болажонларимизга совға сифатида топширдик, кексалар, якка-ёлғизлар, ногирон, ёрдамга муҳтож инсонлар йўқланиб, уй-жойлари беминнат таъмирдан чиқарилиб, кўнгилларини кўтардик. Маҳалламиздаги «Ораста қизлар» тўғараги ҳам «Тенгдош-тенгдошга» йўналиши бўйича иш олиб бориб яхши натижаларга эришмоқда.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, халқимиз байрамларни пок ният, ёруғ юз билан кутиб олишга одатланган. Шундай экан «Ракат» маҳалласи аҳли ҳам доимо шунга интилиб келади.

Шоира МУХАМЕДОВА

Ўзбекистон Марказий банки томонидан мамлакатимиз банк тизими ютуқлари, халқаро рейтинг кўрсаткичлари таҳлилга бағишланган анжуман ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ:

ТАҲЛИЛ ВА САМАРА

Унда Макроиктосодиёт вазирлиги, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Марказий банк, барча тижорат банклари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Мазкур тadbир Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича белгиланган режаларга бағишланди.

Анжуманда етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезон ва стандартларга асосланган тижорат банклари ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш тизимини жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, суверен рейтингларнинг аҳамияти ҳамда ташкилотларнинг молиявий таваккалчиликни тартибга солишдаги таъкил масалалари, бу борада амалдаги халқаро меъёрлар таҳлил қилинди.

Кайд этиш жоизки, халқаро молиявий инқироз шароитларида ҳам жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг компаниялари республикамизнинг 28 та тижорат банкига «барқарор» дея баҳо берди. «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги эса сўнгги уч йил давомида мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиш истикболларига ижобий баҳо бермоқда. Ўзбекистон банк тизими «Moody's» рейтингда МДҲ давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу эса хорижий сармоядорлар ва мижозлар ишончининг орттиришига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида молиявий хизматларнинг кенгайиши, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши банкларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтди. Активлар сифати, банклар капиталининг етарлиги, ликвидлик даражаси юқорилиги, молиялаштириш асосан ички манбалар ҳисобидан амалга оширилаётгани, ташқи қарздорлиқнинг пастлиги глобал хатарлар таъсирини пасайтирмоқда. Кредитлашнинг ички ресурслар ҳисобидан амалга оширилиши ҳам банклар ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар қамрови ортмоқда. Кичик бизнес лойиҳалари банк кредитлари асосида ишончли равишда молиялаштирилган.

Тadbирда «Moody's» агентлиги экспертлари банкларнинг молия-кредит таваккалчиликларини бошқарушнинг асосий хусусиятларига тўхталдилар. Tadbirда соҳа юзасидан савол-жавобларга ҳам ўрин берилди. Анжуман иштирокчилари молиявий таваккалчиликни бошқариш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ муҳим маълумотларга эга бўлишди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 2012 йил фаолияти яқунлари ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси, бир қатор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Республикамиздаги етакчи суғурта компанияларидан бири бўлган «Ўзбекинвест» мижозларни кенгрок жалб қилиш ва ишончини мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда суғурта тўловларининг ўз вақтида тўлаб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил яқунларига қўра, компания томонидан тўланган суғурта товонлари микдори 6,4 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этиб, бу кўрсаткич бир йил аввалгига нисбатан 1,2 баробардан кўпроққа ўсди.

Компания томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари доимий қўллаб-қувватланмоқда. Аҳолининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида узоқ туманларда жойлашган аҳоли пунктларида ҳам компания бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилаётди. Ўтган йили жойларда саккизта суғурта бўлинмаси очилгани фикримиз далилидир.

«Ўзбекинвест» жойлардаги ўз агентлик тармоғини кенгайтиришга ҳам эришмоқда. Ҳозир компаниянинг ҳудудий суғурта агентлари сони 1043 тага етган бўлиб, бу

кўрсаткич 2011 йил яқунларига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Бу ҳам ўз навбатида, «Ўзбекинвест»нинг маҳаллий суғурта бозорида тугган ўрни ва бутун мамлакатимиз бўйлаб аҳолининг суғурта хизматларига бўлган талабини қондиришдаги аҳамиятидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Компания томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар бажарилаётди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига тақдим этиладиган суғурта хизматлари ҳажмининг ошириш, жисмоний шахсларга, хусусан, қишлоқ жойларда тақдим этилаётган суғурта хизматлари қўламини кенгайтириш, аҳоли учун мақбул нархларда «Менинг оилам», «Менинг соғлигим», «Менинг уйим», «Менинг машинам» ва «Менинг бизнесим» каби суғурта турларини кенг тарғиб қилиш, қишлоқ жойларда компания филиаллари ва суғурта бўлинмалари ишини янада такомиллаштириш, янги бўлинмалар очиб ҳамда иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олди.

Абдуалим САЛИМОВ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан мамлакатимизда аҳолига халқаро намунадаги биометрик паспортлар топшириш давом этмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон 2015 йил охиригача биометрик паспорт тизимига тўлиқ ўтади.

Мамлакатимиз Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) аъзоси сифатида ўз мажбуриятларига риоя этган ҳолда, биометрик паспорт — электрон ҳаракатланиш ҳужжатини жорий этмоқда. Бугунги кунда бундай ҳужжатлар дунёнинг ўттиздан ортти давлатида амал қилмоқда. Биометрик паспортнинг ўзига хос асосий жиҳати шундаки, у эгасининг рақамли фотосурати ҳамда бармоқлари изи туширилган биометрик параметрлар тўғрисидаги ахборот, шунингдек, зарур биографик маълумотларни ўз ичига олган электрон чип билан таъминланган.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштиришга қарши ҳимоя даражасини янада ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самара-

дорлигини янада яхшилаш, авиайўловчилар учун имкон қадар кўпроқ қўлайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011

БИОМЕТРИК ПАСПОРТЛАР БЕРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу ҳужжатларни бериш билан боғлиқ барча жараён батафсил қайд этилган.

Биометрик паспорт тизимини жорий этиш тасдиқланган жадвалга биноан амалга оширилмоқда. Ички ишлар органларининг барча туман ва шаҳар бўлинмаларида биометрик маълумотларни тўплаш бўйича тегишли ускуналар билан жиҳозланган пунктлар очилган ва

уларда фуқароларни қабул қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Амалдаги паспортлар биометрик паспортларга босқичма-босқич алмаштирилмоқда.

Шу билан бирга, маълумотларни тўплаш пунктга келиш учун жисмоний имконияти бўлмаган одамларга ҳам биометрик паспорт бериш механизми ишлаб чиқилган. Бу янги тизимни жорий этишнинг навбатдаги босқичида амалга оширилади. Ҳаракатланиш имконияти чекланган шахсларга хизмат кўрсатиш учун биометрик маълумотларни тўплаш пунктлари ҳузурида ариза берувчи яшаётган жойда унинг рақамли фотосурати ва бармоқлари изини олиш имконини берадиган мобил станция ташкил этиш режалаштирилмоқда. Мазкур станциялар ишга тушгунича, бундай тоифага кирадиган шахслар учун уларнинг аризасига биноан Ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича ҳудудий бўлинмаларида нобиометрик — аниқ пайтда амалда қўлланиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти истисно тариқасида расмийлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳозирги намунадаги паспорти бутун паспорт алмаштириш даврида, 2015 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат
ташкилотларини ва
фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини
қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди**

**ГРАНТ ОЛИШ
УЧУН ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танлов мавзуси: «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;
- аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;
- аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш;
- ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, оилавий бизнес, хусусий тadbиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тadbиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

Эшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига янада кенгрок жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

- аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

- жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азаллий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашишга кўмаклашиш;

- аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;
- Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианты;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги ғувоҳнома нусхаси;
- Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.

ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ҳар йили минглаб ёшлар Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиш учун миллий армиямиз сафида хизмат қилишга чоғланади. Уларнинг шарафли бурчларини адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган слоҳотлар, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам юқори босқичга кўтарилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан шу ҳақда сўз борди ва мамлакатимиздаги мавжуд барча олий таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар ҳамда уларга кириш борасида яратилган имтиёзлар хусусида тўла маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, олий ҳарбий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида олтига асосий олий ҳарбий таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Булар Тошкент Олий умумқўшун кўмондонлик билим юрти, Самарқанд ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетидир.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришни истаган йигитлар шу йилнинг биринчи апрелигача яшаш жойидан мудофаа ишлари бўйича туман ёки шаҳар бўлимига ариза беришлари лозим.

Мудофаа ишлари бўйича бўлимларда тиббий кўрик, жисмоний ва руҳий ҳолат текширувидан муваффақиятли ўтган, ҳужжатлар олий ҳарбий-таълим муассасаларига кўриб чиқиш учун юборилади.

Кириш имтихонлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган қайта тиббий кўрикдан ўтиш, жисмоний ва руҳий ҳолатни текширишни ўз ичига қамраб олади.

Синовлардан яхши ўтган абитуриентлар математика, физика, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовларини топширади. Зарур балларни тўплаган номзодлар олий ҳарбий-таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади.

Ушбу ўқув масканларига ўқишга киришда ёшлар учун имтиёзлар ҳам мавжуд. Халқаро ва Республика фан олимпиадалари ғолиблари, ўз хизмат бурчини



бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг фарзандлари тест синовларидан озод қилинади.

Сержантлар таркиби лавозимларида шартнома асосида намунали хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўплаши мумкин бўлган энг кўп баллнинг йигирма фоизи миқдориди имтиёз берилади. «Энг яхши сержант» танлови ғолиблари ҳам ўқишга танловсиз кириш имкониятига эга. Шунингдек, ҳарбий-академик лицейлар битирувчиларига ҳам тўплаган баллар сонига энг кўп йиғиш керак бўлган умумий баллнинг ўн фоизи миқдориди имтиёз берилган.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига ҳарбий соҳа вакилларида жавоб олишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 14 ноябрдаги 10-1212/24189-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 3.Розий 1-тор кўчаси, 24-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1394 кв.м. бўлган, 2 қаватли битта бино тақоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 720 000 000 сўм.
II. Савдога Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110.14 кв.м, фойдаланиш майдони 66.32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой тақоран қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси – 129 047 025 сўм.**

Савдолар 2013 йил 15 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати – 2013 йил 12 апрель кўни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.



ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбектелеком» АК «ТШТ» филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режасига мувофиқ жорий йилнинг 25 март ойдан 20 апрель ойигача, Шайхонтоҳур телефон боғламаси 245 – ЗАТС ҳудудидидаги ўрнатилган MSAN қурилмасини ишга тушиши муносабати билан қўйидаги:

Қоратош мавзеси, Чорсу мавзеси, Самарқанд дарбоза кўчаси,

Сузуқ ота маҳалласи, Найчи кўчаси, Душанба берк кўчаси, Суръат кўчаси ва уларга туташ тор,берк ва муолиш

кўчаларида, кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи аҳолининг телефон рақамларининг ўзгариши ҳамда қисқа алоқа узатиши мумкин бўлган ҳолатларда келтирилган нуқулйликлар учун олдиндан уэр сўраймиз. **Мурожаат учун телефон: 245-21-70.**

Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатиға!

2013 йил 1 апрелдан табиий газ учун аввал тасдиқланган тарифлар (2012 йил 17 сентябрда тасдиқланган 19-03-22-05-РУз-47-2012 реестр) ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15 март 2013 йилда тасдиқланган №19-03-22-05-РУз-22-2013 реестрига асосан янги тарифлар жорий қилинади.

Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу Нархнома тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидидаги аҳолига бериладиган табиий газга тааллуқли.
2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳўкмиллиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчида икки ёки ундан ортқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичлар мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортқ бараварга оширилади.

4. Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсатгичи ва ушбу нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.

5. Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов миқдорларини белгилашда хонадонда барча яшовчилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситиладиган хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон киради: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, деразали балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар).

7. Нархноманинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

8. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 метр куб	1 398,00
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10 метр куб	2 418,55
	Иситиш учун	-/-	10 метр куб	1 121,60

2. Коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчилар тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	Ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотиға эға бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 метр куб	31 924,80	2 660,40
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотиға эға бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 метр куб	43 533,60	3 627,80
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотиға эға бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти- вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун сув иситгич	1 кишига 16 метр куб	46 436,40	3 869,70
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб	3 230,25	646,05

Улгуржи истеъмолчиларға етказиб бериладиган табиий газ нархи:

2013 йил 1 апрелдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-РУз-23-2013

Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
Улгуржи истеъмолчиларға етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м.куб 139 800

Иссиқлик манбаи корхоналари учун табиий газ нархи:

2013 йил 1 апрелдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-РУз-23-2013

Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м. куб 139 800

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 23 апрель кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулклар қўйилган:

1. Чиноз туман СИБ томонидан 2010 йил 18 августдаги 17068-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани «Матлубот Инвест» МЧЖ омиборида сақланаётган, 1991 йилда и/ч дав. бел. мавжуд бўлмаган «ГПТС-4-793» русумли тиркама воситаси. Бошлангич нархи 678 887 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан 2012 йил 9 июлдаги 1-405/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани СИБ томонидан 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Д 977 СА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 14 157 000 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2013 йил 25 январдаги 10-1204/15376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Шарк тонги кўчаси, 1А-уйда сақланаётган 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 770 НВА бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 57 786 000 сўм. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 25 июлдаги 1-1226/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Шарк тонги кўчаси, 1А-уйда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 В 686 ВА бўлган «Нексия ДОНС» русумли автотранспорт воситасилари савдога қўйилган. Бошлангич нархи 19 900 000 сўм.

Талабгорлар диққатиға! Қўриқидидаги автотранспортлар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 8 май кўни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2013 йил 16 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулклар тақоран қўйилган:

1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2010 йил 28 декабрдаги 10-1004/16212-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, С.Алимова кўчаси, 102-уйда сақланаётган, 8 турдаги алюминдан ишланган яшил рангли кюска (бутка) савдога қўйилган. Бошлангич нархи 88 689 909-6 сўм. II. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 10-1218/3178-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқий Мелиса» МЧЖда сақланаётган 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 261 бўлган «Лада-1117» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошлангич нархи 13 225 518 сўм. III. Сергели тумани СИБ томонидан 2012 йил 3 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани СИБ ховлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 С 593 FA бўлган «Газ-311000» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошлангич нархи 10 266 000 сўм. IV. Сергели тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 декабрдаги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИТХ жарима майдончасида сақланаётган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002302 бўлган «Зил ММЗ-4502» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошлангич нархи 7 788 553,10 сўм. V. Сергели тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 апрелдаги 6913/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани СИБ ховлисида сақланаётган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 10 О 4531 бўлган «Нексия SOHC GLE» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошлангич нархи 14 188 640,40 сўм. VI. Учтепа тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқий Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2005 йилда и/ч дав. бел. 10 BD 301 бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 33 409 804-23 сўм. 2. 2002 йил и/ч дав. бел. 10 AP 697 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 12 421 804-23 сўм. 3. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 159 бўлган «HAFE» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 14 652 000 сўм. 4. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BF 235 бўлган «BEIQ FOTON SHIDA» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 37 240 473,60 сўм. 5. 1966 йилда и/ч дав. бел. 10 W 2103 бўлган «Газ 21 Р» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 7 671 644,64 сўм. 6. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 166 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 096 787,20 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 216 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 096 787,20 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 235 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 096 787,20 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 226 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 096 787,20 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 169 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 345 000 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 240 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 15 061 194,72 сўм. 11. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 179 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситасилари савдога қўйилган. Бошлангич нархи 15 062 810,40 сўм.

Ушбу аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақлат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖ нинг: ОАИТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кўн қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.05.2012 йил 10-1219/5210-сонли ва 09.04.2012 йилдаги 10-1209/2206 сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катортл 1-тор кўчаси, 12-А-уйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино тақоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 162 499 239,45 сўм.
II. Савдога Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар, ЖИБ Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110.14 кв.м, фойдаланиш майдони 66.32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой тақоран қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси – 129 047 025 сўм.**

Савдолар 2013 йил 15 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати – 2013 йил 12 апрель кўни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 106-уй манзили бўйича рўйхатга олинган «Тошкент Подшипник заводи» (СТИР 200994404) МЧЖнинг бурчакли штамли йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошбозорсавдо» уюшмаси жамоаси, Бошқарув раиси Абдубоев Хамраевнинг падари бузруквори **САИДБОКИЙ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

